

# **Ўзбекистон умумий амалиёт врачлари ахборотномаси**

**Бош муҳаррир:**

**Касимов Ш.З.**

**Таҳрир ҳайъати:**

Абдурахимов З.А.

Зоҳидова М.З.

Зарипова М

Мавлянова Д.А.

Миразимов Д.Б.

Назарова Г.У.

Нармухамедова Н.А.

Садирова М.А. (масъул котиб)

Хакимова Л.

Ходжанова Т.

Фузайлов Ф.З.

**ISSN 2181-4864**

**Тошкент**

**2013 йил**

## **Муаллиф сўзи**

Оилавий шифокор ёки умумий амалиёт врачи – жинси ва ёшидан қатъий назар ҚВПга бириктирилган ахолига кенг кўламдаги бирламчи тиббий-санитар ёрдами кўрсатиш ва ахоли ўртасида профилактик тадбирлар ўtkазиш ҳуқуқига эга бўлган дипломли мутахассисидир. УАШ бириктирилган ахолига малакали тавсиф талабига мувофиқ, амбулатор қабулда ва уйда касалхонагача тез ва шошилинч ёрдам кўрсатишни, профилактик, иммунологик, санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши, диагностика-даволаш ва реабилитация тадбирлари мажмуасини амалга оширади, оила миқёсида тиббий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда бевосита ёрдам кўрсатади. ҚВП тиббий ходимлари билан биргаликда, муассасага бириктирилган ахолини соғломлаштириш, шунингдек *болалар ва оналарнинг касалланиши ва ўлими кўрсаткичини камайтириши* мақсадида чора-тадбирлар ўtkазади. Умумий амалиёт шифокори ўзининг касбий фаолиятида тиббиётнинг бошқа бўғин шифокорлари билан фаол ҳамкорлик қиласди.

**Биз журнализминг ушбу сонида УАШ фаолиятида сийдик йўллари инфекциялари билан касалланган bemorlarни бирламчи бўгинда олиб бориши муаммоларига тўхтамлоқчимиз.**

Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан 2003 йил 10 декабрда тасдиқланган “Умумий амалиёт шифокорлари малакали тавсифнома”сига кўра, асоратсиз СИИ (ўтқир асоратсиз пиелонефрит, ўтқир цистит), шунингдек ўтқир простатит, орхоэпидидимит касалликлари диагностикаси ва даволаши умумий амалиёт шифокорлари томонидан амалга оширилади. Асоратли СИИларида текширув ва даволаши кенгроқ ёндошуви талаб қиласди ва бунда мутахассис уролог, нефролог ва бошқа мутахассислар консультацияси талаб қилинади.

Сийдик йўллари инфекцияси (СИИ) инфекцион касалликлар орасида кенг тарқалган бўлиб, bemorlarни олиб бориша шифокорларда ўзига хос муаммолар келтириб чиқаради. СИИ кенг тарқалганлиги сабабли кўп давлатларда клиник, ижтимоий ва иқтисодий муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. АҚШда ўtkазилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳар йили амбулатор мурожаатлар орасида СИИ бўйича 7 млн. ҳолат қайд этилиб, булардан 2 млн.дан зиёдроғини циститлар ташкил этган бўлса, 100 мингдан ортиқ bemorlar пиелонефрит ташхиси билан шифохоналарга ётқизилган. Буюк Британияда СИИ микробли касалликлар орасида респиратор инфекциялардан сўнг иккинчи ўринда туради. Ушбу давлат ҳисоботига кўра, шифокорларга қилинган мурожаатларни 8,1 миллионини СИИ ташкил этади. СИИ эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учраб, катта ёшли аёлларда ҳаёти давомида СИИ билан касалланиш хавфи 50% бўлиши аниқланган. Охирги йилларда 18-29 ёшгача бўлган аёллар ўртасида СИИ билан касалланиш холатлари кўплаб қайд этилмоқда.

СИИ Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам тиббиётнинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади. Даволашда ягона стандартнинг йўқлиги, бактериал текширув ўtkазишни белгилайдиган мезонлар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли тиббий муассасаларда ушбу касаллик билан хасталangan bemorlarни олиб бориш бир-биридан фарқ қиласди. Бундан ташқари антибиотиклар билан норационал даволаш, уропатоген микробларни антибиотикларга резистентлигининг ошиши СИИ самарали даволашда бир қатор кийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Дунёда СИИ бундай кенг тарқалиши, ушбу касаллик билан хасталangan bemorlarning даволаш сифати оширишни, касаллик бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасини кучайтирувчи чора тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишини талаб қиласди. Журнализминг ушбу сонида берилган маълумотлар сийдик йўллари инфекциялари билан касалланган bemorlarни олиб борища

ва касалликни олдини олиш ишларини ташкиллаштиришда умумий амалиёт шифокорлари учун яқиндан ёрдам беради деб умид қиласиз.



## **Эсингизда бўлсин:**

Журнални ҳамкасбларингиз билан ўқиб чиқиш ва биргаликда муҳокама қилиш учун ҳамда бу саволлар журнал мазмун-моҳиятини ўқиб ва тушуниб олишида сизга кўмаклашиши учун мўлжалланган. “Ўрганиб чиқишдан ОЛДИН” ва “Ўрганиб чиқишдан КЕЙИН” бўлимларидағи жавоблар натижаларини солишитириб, Сизнинг билимингиз қай даражада яхшиланганини билиб оласиз. Тест саволларига тўғри жавоблар бир ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин

**Ҳамкасбларингиз ҳам тест саволларига жавоб бериш хоҳишини билдиришса ушбу тест саволларини кўпайтириб олишлари мумкин**

### **Тестлар**

**1. Сийдик йўллари инфекцияларининг белгилари ва симптомлари:**

- а) Дизурия, тез-тез сийиш
- б) Полиурия
- в) Тана ҳароратини кўтарилиши, бел соҳасида оғриқ
- г) Ёлғон сийиш чақирави, қовуқ соҳасида оғриқ
- д) Оғриқни оёққа бериши

**2. Қайси касалликлар бўйича ОП ва ҚВП шароитида ташҳис қўйиш ва даволаш тадбирларини олиб борилади:**

- а) Цистит
- б) Энурез
- в) Пиелонефрит
- г) Сийдик тош касаллиги
- д) Ўткир буйрак етишмовчилиги

**3. Ўткир циститни даволаш тамойиллари:**

- а) Триметоприм 600 мг ичиш учун 3 кунга тавсия этилади
- б) Эркакларда тўлиқ даволаш курси 10 кун,
- в) Цефалексин 250 мг ичиш учун, кунига 4 маҳал, 3 кун давомида.
- г) Болаларда ўткир циститни даволаш давомийлиги 7-10 кун.
- д) Норфлоксацинни болаларда қўллаш мумкин.

**4. Қайси ҳолатларда эмпирик антибиотикотерапия ўтказилади:**

- а) Полиурия
- б) Никтурия
- в) Дизурия
- г) Поллакиурия
- д) Тез-тез сийиш

**5. Аёлларда бирламчи кўринишдаги ўткир циститда қандай текширув усуллари тавсия этилмайди:**

- а) Сийдикни макроскопик текшируви
- б) Сийдикни микроскопик текшируви
- в) Сийдикни бактериологик экиш
- г) Антибиотикларга сезирликни аниқлаш
- д) Ультратовуш текшируви

**6. Ўткир пиелонефрит билан касалланган аёлларда қайси ҳолатларда сийдик экмаси қайта ўтказилади:**

- а) 3 кун давомида клиник ижобий ўзгаришлар бўлмаса
- б) Бемор ҳолати госпитализацияни талаб қилмаса
- в) 2 ҳафта давомида касаллик қайталанса
- г) 24 соат давомида bemor ҳолати яхшиланса
- д) 24 соат давомида bemor ҳолатида ўзгариш кузатилмаса

**7. Симптомсиз бактериурияда:**

- а) Даво олиб борилмайды
- б) Зудлик билан шифохонага жүннатиш зарур
- в) 3 кунлик антибиотикотерапия ўтказилади
- г) 10 кунлик эмпирик антибиотикотерапия ўтказилади
- д) Сийдик намунаси бактериологик экиш учун жүннатилади.

**8. УАШ қабулига келган ўрта ёшли аёлнинг шикоятлари: тез-тез ва оғриқли сийиш, охирги пайтда ушбу белгиларни учинчи маротаба қайталаниши. Шифокорга мурожаат қилгунга қадар ўзича антибиотиклар қабул қилган, лекин самараси бўлмаган. Сийдик таҳлилида пиурия (лейкоцитлар миқдори 4000/мл дан) аниқланди. Сизнинг ташҳисингиз?**

- а) Ўткир цистит
- б) Рецидивли цистит
- в) Асоратли персистирловчи сийдик йўли инфекцияси
- г) Бартараф килинмаган бактериурия
- д) Асоратли сийдик йўли инфекцияси

**9. Сийдик йўли инфекцияси билан касалланган беморларга тавсиялар:**

- а) Гўшт ва баликни қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш
- б) Зираворлар ва маринадланган маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилиш
- в) Касаллик ўткир даврида сут маҳсулотлари ва бўтқаларни истеъмол қилиш
- г) Тез-тез сийиш, сийдик қопчасини тўла бўшалишига эришиш
- д) Касаллик қўзғалиш даврида ётоқ режимига риоя қилиш шарт эмас.

**10. Қайси ҳолатларда ҳомиладор аёллардаги сийдик чиқариш йўллари инфекциялари амбулататор шароитда даволанади?**

- а) Симптомсиз бактериурия
- б) Ўткир цистит
- в) Ўткир пиелонефрит
- г) Сийдик тош касаллиги
- д) Буйрак коликаси

### **Сийдик йўли инфекцияси мавзусига кроссворд**


**Горизонтал:**

1. Бу касалликка 2 томонлама буйрак заарланиш, иситма ва қалтираш хосдир.
4. Ўткир циститни даволашда ишлатиладиган дори воситаси
7. Бу ҳолат пас сийдик йўллари бактериологик инфекциясини англатади

**Вертикал:**

2. Касаллик нефротик синдромга олиб келиши мумкин
3. Ушбу касалликда совуқ қотиш, жинсий алоқадан сўнг қайталаниши характерли
5. Буйрак копточаларда ва найчаларида (каналчаларида) патологик ҳолатни лаборатор белгиси
6. Бу сийдикдаги ўзгариш шиши ва гипертензия билан биргаликда келганда гломерулонефритни Англатади
8. УАШ симптомсиз бактериурияни аниқлаш учун ҳар ойда 1 марта сийдик таҳлилини кимларда ўтказиб туриш керак

## КРОСВОРД



## **ҚИСҚАРТИРИЛГАН СҮЗЛАР**

**АДТИ** - Андижон Давлат тиббиёт институти

**В/И** - вена ичига дори воситасини юбориш

**ЖССТ** - Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти

**КХБ** - колония ҳосил қилувчи бирлик

**КТ** - компьютерли томография

**КОЕ (ЎБТЭК)** - ўлчов бирлигини ташкил этувчи колониялар

**ҚВП** - қишлоқ врачлик пункти

**ҚД** - қандли диабет

**МРТ** - магнит-резонансли томография

**ОП** – оиласвий поликлиника

**ПСА** – простата специфик антигени

**СИИ** - сийдик йўллари инфекцияси

**СЎП** - сийдик ўрта порцияси

**СБ** - симптомсиз бактериурия

**ТТБ** - туман тиббиёт бирлашмаси

**ТМШ** - туман марказий шифохонаси

**ТошВМОИ** - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

**УАШ** - умумий амалиёт шифокори

**УТТ** - ультра товуш текшируви

**УСА** - умумий сийдик анализи

**УҚА** - умумий қон анализи

**УЕА**- Урологлар Европа Ассоциацияси

**ЭУ** - экскретор урография

## СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ



Сийдик чиқариш тизими ҳар бир аъзосининг инфекцияли яллиғланишига сийдик чиқариш йўллари инфекцияси деб таъриф берамиз. Бу муаммо дунё бўйлаб кўп тарқалган касаллик бўлиб, шифокорга тез-тез мурожаат қилиш, ўринсиз антибиотикларни белгилаш ва сийдикни кўплаб маблағ ва вакт талаб қилувчи бактериологик текширувини ўтказилишига сабаб бўлувчи

касалликдир. Бу муаммо билан шифокорларга ҳар йили ўн миллионлаб мижозлар мурожаат қиласидар ва уларнинг 20% ўткир цистит билан хасталangan беморлардир. Афуски, сийдик чиқариш тизими яллиғланиш касалликлари ҳар иккинчи мижозда қайталаниб сурункали кўриниш олади. Сурункали жараён охир оқибат буйрак етишмовчилигини ривожланиши ва натижада ногиронликка олиб келади. СИИ тарқалиши ёш ва жинсга боғлиқ бўлиб, агар дастлабки 3 ойликда ўғил болалар қизларга нисбатан 1,5 баробар кўпроқ оғриса, кейинги ойларда бу кўрсаткичлар tengлашиб, 1 ёшнинг охирига келиб, қизларнинг СИИ билан оғриши ўғил болаларга нисбатан 3-4 баровар кўпроқ учрайди. Умуман олганда, болалар популяциясида СИИ нинг тарқалиши 1000 болага 20-22 ҳолатни ташкил қиласи. Етти ёшгача бўлган болалар ичидаги 8%, қизлар ва 2% ўғил болалар ҳаёти давомида бир маротаба бўлсада СИИ ўтказади, 2 ойликгача бўлган даврда эса 5% фебрил иситмани ўткир пиелонефрит келтириб чиқаради. 30% болалarda ҳаётининг дастлабки биринчи йилида касаллик рецидиви кузатилади. СИИ 3 ёшгача бўлган ўғил болалар ичидаги ноаниқ этиологияли иситма сабабчиси ҳисобланади. Болалар ичидаги айниқса ўғил болалар ичидаги СИИнинг сабабчиси сийдик тизими аъзоларининг морбофункционал бузилишларидир ва шу сабабли ўғил болаларда инфекциядан кейин тўла нефроурологик текширув ўтказилиши лозим. Ёши катталар популяциясида эса аёллар эркакларга нисбатан СИИ муаммолари билан 30-50% кўпроқ рўбарў келадилар ва ҳаёти давомида 60% аёллар СИИ билан оғрийдилар. Ушбу муаммо билан ҳар бир тўртинчи аёлда йил давомида касаллик рецидиви кузатилади. Эркакларда анатомик – физиологик хусусиятлар сабабли СИИ кечиши ва даволаш жараёни қийинроқ кечади. Ушбу касаллик асосан 60-70 ёшдаги эркакларда 80% ҳолатларда кузатилади. СИИ қариялар ва хомиладорларда кўпроқ асоратли бўлиб ривожланади. Айниқса, бу муаммо қандли диабети ва сийиша қийинчилиги бор беморларда кўпроқ учраши қайд қилинган.

УАШ ўзининг иш фаолияти доирасида катталар, ўсмиirlар ва болаларда буйрак ва сийдик йўллари касалликларида куйидаги тиббий хизматларни амалга оширади:

### 1.ҚВП да ташҳис қўйиш ва даволаш:

- 1.1. Сийдик чиқариш йўллари инфекцияси
- 1.2. Уретрит

*1.3. Цистит*

*1.4. Простатит*

*1.5. Энурез*

**2. Ташхис қўйиши, шошилинч ёрдам кўрсатиш, ТТБга ва мутахассисга йўлланма бериш:**

*2.1. Пиелонефрит*

*2.2. Ўткир ва сурункали гломерулонефрит*

*2.3. Простата adenомаси*

*2.4. Сийдик тош касаллиги, буйрак коликаси*

*2.5. Ўткир ва сурункали буйрак етишимовчилиги*

*2.6. Буйраклар поликистози*

*2.7. Варикоцеле*

*2.8. Мояклар ва уруг ўйлининг сувланиши( водянка)*

*2.9. Крипторхизм*

*2.10. Фимоз ва парофимоз*

*2.11. Моякларнинг ва уруг ўйлининг буралиб қолиши*

**3. Реабилитация, диспансеризация:**

*3.1. Пиелонефрит*

*3.2. Ўткир ва сурункали гломерулонефрит*

*3.3. Простатит*

*3.4. Простата adenомаси*

*3.5. Сийдик тош касаллиги, буйрак коликаси*

*3.6. Ўткир ва сурункали буйрак етишимовчилиги*

*3.7. Буйраклар поликистози*

*3.8. Варикоцеле*

**УАШ ёдда тутиши зарур:** ҚВПда ўтказилган даволаш курсидан сўнг беморнинг ҳолати ёмонлашса ёки бемор ҳолатида яхшиланиш кузатилмаса, мутахассис маслаҳати талаб этилади. 5 ёшгача бўлган бемор болаларда ҚВПдаги даволаш курсидан сўнг, 48 соат давомида яхшиланиш кузатилмаса, мутахассис маслаҳати зарур бўлади.

**Умумий амалиёт шифокори сийдик чиқариш тизими касалликларида қуидаги амалий кўникмаларни бажара олиши зарур:**

*1. Бемор ва унинг қариндошларидан маълумот йигини.*

*2. Буйракни ва сийдик пуфагини пальпацияси ва перкуссияси.*

*3. Ўғил болалар ва эркакларда ташқи жинсий аъзолар кўруви.*

*4. Клиник ва биохимик таҳлиллар интерпритацияси.*

*5. Сийдикда оқсил мавжудлигини аниқлаши.*

*6. Простата безини бармоқ ёрдамида ректал текшируви.*


*7. Сийдик қопи катетеризацияси.*

*8. Дренаж воситаларини парварии қилиши.*

*9. Парҳез тайинлаши.*

**Сийдик йўллари инфекцияси нима?**

Сўнгги йилларда буйрак, сийдик йўллари ва эркаклар жинсий аъзолари носпецифик яллиғланишида умумий тушунча – **сийдик**



**йўллари инфекцияси (СИИ)** тушунчаси қўлланилади. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда, СИИ шиллиқ ости қавати орқали бактериянинг танага кириши оқибатида



сийдик тизими шиллиқ қаватининг шамоллаш (уротелий) реакцияси деб қаралмоқда. Айтиб ўтганимиздек, аёллар сийдик йўллари инфекцияси билан эркаклар ва болаларга нисбатан кўпроқ касалланадилар. Болалар ва катталарда ташҳислаш катта қийинчиликлар туғдирмайди. Қовуқ-сийдик йўллари рефлюкси фонидаги сийдик йўллари инфекцияси ёки сийдик ажралишининг бузилиши билан алоқадор инфекцияларининг сурункали шаклига ўтиши буйрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин, органик ўзгаришлар кузатилмаганда эса асоратлар деярли кам учрайди, шунинг учун сийдик йўллари инфекцияси билан bemorlarни текшириш хажми индувидуал аниқланади. Бунда касаллик кўзгатувчиларини кўплаб антибиотикларга нисбатан чидамли эканлигини ҳисобга олиш керак.

### **Сийдик йўллари инфекциясининг танага кириш йўллари:**

- 1.Юқорига кўтариливчи (75-95%).
- 2.Гематоген (5%) ва
- 3.Лимфоген

### **СИИ ТУРЛАРИ:**

- 1. АСОРАТСИЗ СИИ**
- 2. АСОРАТЛИ СИИ**

**Асоратсиз сийдик йўли инфекцияси қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлмаганда ривожланади:**

- буйракда ва сийдик йўлларида (шу жумладан сийдик оқиб тушиши бузилиши) анатомик ўзгаришлар;
- буйрак ва сийдик йўлларида функционал ўзгаришлар;
- биргаликда кечувчи касалликлар ва ҳолатлар (қандли диабет, ҳомиладорлик);
- инфекция тушиши хавфини оширадиган ёки даволаш самарасини пасайтирувчи жиддий ҳамроҳ касалликлар (КД, иммунитетнинг пасайиши, буйрак, жигар ва юрак етишмовчилиги ва ҳ.к.)

**Юқоридаги қайд этилган патологик ҳолатлар мавжуд бўлганда эса асоратли СИИ ривожланиши кузатилади.**

СИИ ва эркаклар жинсий аъзолари инфекциялари клиник симптомлар ва заарланиш даражаси, инфекция оғирлиги, хавф омиллари ва сийдик таҳлиллари лаборатор текширувлари натижасига кўра таснифланади ва СИИ қуйидагиларга бўлинади:

*ўтқир ва рецидивланувчи цистит,*  
*ўтқир ва сурункали пиелонефрит, шунингдек асоратли ва асоратсиз .*

- *Асоратсиз СИИ (цистит)*
- *Асоратсиз пиелонефрит*
- *Асоратли СИИ пиелонефритсиз*
- *Асоратли СИИ пиелонефрит билан*
- *Эркаклар жинсий аъзолари инфекциялари: Простатит*

**Яллиғланиш жараёни жойлашишига қараб фарқланади:**

- Пастки сийдик йўллари инфекциялари

- Юқори сийдик йўллари инфекциялари
- Эркаклар жинсий аъзолари инфекциялари

## **АСОСИЙ МАЛЬУМОТЛАР:**

1. Симптомсиз бактериурия катта ёшли аёлларда 5%, мактаб ёшидаги болаларда 1-2 %, чақалоқларда 1% ҳолатларда учрайди.
2. 30% аёллар ҳаёти давомида камида 1 маротаба сийдик йўллари инфекцияси билан касалланади.
3. Сийдик йўллари инфекциясида органик ўзгаришлар 4% ҳолатлардагина кузатилади.
4. Эркаклар ва болаларда сийдик йўллари инфекцияси қузатилган барча ҳолатларда органик ўзгаришлар мавжудлигини инкор қилиш керак.
5. Органик ўзгаришлар бўлмаган жуда кам ҳолатларда сийдик йўллари инфекцияси сурункали шаклига ўтади.
6. 93% ҳолларда инфекция кўтариувчи йўл орқали сийдик йўлига тушади ва аксарият ҳолатларда бунга ичак тайёқчаси сабаб бўлади. Кўп аёлларда жинсий алоқадан сўнг, ўткир сийдик йўллари инфекцияси келиб чиқади.
7. Иммунодефицит ҳолатларида инфекциянинг гемотоген тарқалиши кузатилади.

Агар сийдик йўллари инфекцияси клиник белгилари умумий кўринишда бўлиб, маҳаллий белгилари бўлмаса ташхислашда қийинчиликлар келиб чиқади. Бунда сийдик йўллари инфекциясининг кичик ёшдаги болалар, қариялар ва хомиладорларда ўзига хос кечиши сабабли атипик шакли ривожланиши мумкин.

Болаларда сийдик йўллари инфекцияси клиник белгилари:

- иситма;
- қайт қилиш;
- ич кетиши;
- қориндаги оғриқ.

Қарияларда эса:

- карахтлик;
- ўзини тутиши, ҳаракатдаги бузилишлар;
- иситма.

Сийдик таҳлилида лейкоцитурия ва бактериурия топилганда, авваламбор, атрофдаги аъзолардан ёки ташқи муҳитдан инфекция тушишидан эҳтиёт бўлиш керак. Сийдик таҳлил қилингандан сўнг, Stamey (1980) бўйича умумий қабул қилинган сийдик тизими инфекцияси класификацияси бўйича bemorni қайси гурӯҳга киритиш кераклигини аниқлаш лозим бўлади.

СИЙ ташхисини қўйишида биринчи ўринда клиник белгилар ва симптомларга, касаллик анамнезига, bemorning физикал текшируви, лаборатор таҳлиллар натижаларига ва алоҳида ҳолатларда эса сийдикнинг бактериологик текширувлардаги аниқланаган микроорганизмларга асосланиб ташхис қўйилади. Охирги йиллардаги қузатишлар шуни кўрсатадики, асоратланмаган СИЙси



билан касалланган аёлларда эскирган усулда, яъни микробиологик ташҳислаш ўтказилмоқда, бу эса 48 соатдан кам бўлмаган вақтни эгаллади, бундай узоқ вақтда микробни аниқлаш ва даволашни танлаш сезиларли даражада даволаш самарадорлигини камайтиради. Микроскопик текширишда эса сийдикнинг лойқа ранги касалликнинг яллиғланиш хусусиятига эга эканлигини билдириб, СИЙиси борлигига тахмин қилинади. Сийдика бактериурияни аниқлаш ҳар доим ҳам антибиотикотерапияга абсолют кўрсатма бўла олмайди. Агар жараённи яхши томонга ўзгартиришга асослар бўлмаса ва айниқса кекса bemорларда кечётган бактериурияда антибиотиклар соғлиқ учун зарарли бўлиши мумкин. Ҳомиладорларда эса бактериуриянинг қўшимча таъсирларига қарамасдан, антибиотик терапия ўтказиш лозимлиги исботланган. Антибиотик препарат танлаётганда албатта препаратни антимикроб сезирлик спектирини, мана шу регион учун резистентлик даражасини, хавфсизлигини, таннархини ва самарадорлигини ҳисобга олиш керак.

### **Сийдик йўллари инфекцияси (Stamey 1980 йилдаги таснифланиши):**

- A. Бирламчи инфекция
- Б. Бартараф қилинмаган бактериурия
- В. Бактериал персистенция
- Г. Реинфекция

<b>А. Бирламчи инфекция</b> – бу биринчи маротаба аниқланган СИЙидир
<b>Б. Бартараф қилинмаган бактериурия</b> – даволаш мобайнида сийдик йўли инфекциясини тўлиқ даволаб бўлмайди. Даволаш натижасида лейкоцитлар (КОЕ даражаси) камайган бўлса ҳам, сийдик таҳлилиниң ёмон чиқиши (пиурия ва бактериурияларнинг мавжудлиги) буни тасдиқлайди.
<b>В. Бактериал персистенция</b> – даволаниш натижасида сийдик “тоза” (лейкоцитлар 1 мл да 2000 дан кам ёки бактерия мавжуд эмас) бўлади, бироқ персистирланган (алоҳида жойларда тўпланиб қолган) инфекция сийдик йўлида яна сийдик билан тўқнашади, ва сийдик йўллари яна стерилланмаган бўлиб қолади ва натижада инфекция қайталанади.
<b>Г. Реинфекция</b> – ҳар хил муддатларда олдинги инфекцияни тўлиқ даволанганидан сўнг янги қўзгатувчиларнинг (асосан уретра бўйича келиб чиқиши) сийдик йўлига тушишидир. УЕА тавсияларига кўра 2 ҳафтадан кам бўлмаган муддат белгиланган (Naber K.G. et al. 2004).

### **СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯСИННИГ ДИАГНОСТИК ЎЛЧОВИ**

*IDSA – Америка инфекцион касалликлари жамияти*

*ESCMID – Европа клиник микробиология ва инфекцион касалликлари жамияти тавсиялари асосида модификация қилиши*

Тоифа	Клиник қўринишлари	Лаборатория маълумотлари
Аёлларда ўтктир асоратсиз СИИ, аёлларда ўтктир асоратсиз цистит	Ушбу ҳолатгача 4 ҳафта давомида куйида қайд этилган аломатлар қўринмаганда: Дизурия, шошилинч сийишни хоҳлаш, тез-тез қисташи, корин пастки қисмидаги оғрик	>10 лейкоцитлар/ $\text{мм}^3$ >4000 лейк./мл $\geq 10^3$ КОЕ/ мл
Ўтктир асоратсиз пиелонефрит	Юқори ҳарорат, биқиндаги оғрик; бошқа ташҳис инкор қилинади, анамнез ёки қандайдир урологик аномалияниң мавжуд эканлиги ҳақида клиник маълумотлар (УТТ ва рентген/текширувлар)	>10 лейкоцитлар/ $\text{мм}^3$ >4000 лейк./мл $>10^4$ КОЕ/мл
Асоратли СИИ	Берилган 1 ва 2 даражадаги симптомларни бирга келишида; асоратли СИИ билан боғлиқ бир ёки ундан кўпроқ омиллар	>10 лейкоцитлар/ $\text{мм}^3$ >4000 лейк./мл $>10^4$ КОЕ/мл аёлларда

	мавжудлигига.	>10 <sup>5</sup> КОЕ/мл эркакларда ёки сийдик катетер орқали олинганда кузатилса
Симптомсиз бактериурия	Клиник кўринишлар мавжуд эмас	>10 лейкоцитлар/мм <sup>3</sup> >4000 лейк./мл >10 <sup>4</sup> КОЕ/мл бак. экмада эрталабки сийдикнинг ўрта порцияда 2 кетмакет намунада
Рецидивловчи СИИ	Охирги 12 ой давомида асоратсиз СИИнинг сийдик бактериал экмасида исботланган камида З ҳолати қайд этилмаса; анатомик ва функционал бузилишлар йўклиги.	≥ 10 <sup>3</sup> КОЕ/мл

Илова: **ЎБТЭК (КОЕ)**-ўлчов бирлигини ташкил этувчи колониялар,  
**УСА**-умумий сийдик анализи,  
**УҚА**-умумий қон анализи.

## ПАСТКИ СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯСИ ЎТКИР ЦИСТИТ

Ўткир цистит – сийдик пурфаги яллиғланиш касаллигидир. Цистит оғриқли ва тез-тез сийиш билан кузатилади. Оғир даражасида макрогематурия кузатилади, сийдикдан ёқимсиз ҳид келади. Умумий симптомлар кучсиз ривожланган ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Касалликнинг дифференциал диагностикаси уретрит, простатит ва вульвовагинитларда ҳам намоён бўладиган тез-тез сийиш, оғриқли сийиш каби клиник симптомларга асосан амалга оширилади.

### Касаллик белгилари:

- оғриқли сийиш
- тез-тез сийиш
- сийдик тута олмаслик
- сийдик пурфаги бўшанмаслик ҳисси
- қовук соҳасида оғриқ
- гематурия
- сийдикдан нохуш ҳид келиши

Сийдик йўллари инфекциясини аниқ ташҳислашда сийдикнинг таҳлили муҳим ўрин тутади.



## СИЙДИК ЙИҒИШ МУОЛАЖАСИ

Сийдикни эрталаб йигиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки бу вақтда сийдик энг концентрланган бўлиб, кечаси билан сийдикда бактериялар тўпланганлиги туфайли, касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмларни микроскопик аниқлаш осонлашади. Сийдик синамасини зудлик билан лабораторияга жўнатиш лозим. Баъзи ҳолатда 4<sup>0</sup>С температурада бир кун (24 соатгача) давомида музлаткичда сақлашга рухсат берилади, бу бактериялар кўпаймаслигини олдини олади. Сийдикнинг биринчи порцияси таҳлил учун олинмайди ва узлуксиз сийдик чиқариш натижасида олинган 20 мл. сийдик миқдори кифоя қиласи.

**“Тоза” сийдик намуналарининг йиғиши:** Сийдик олиш алоҳида махсус жойларда олинади, алоҳида тайёрланган сийиш хонасида (ҳожатхона эмас) мутахассис иштирокида амалга оширилади. Бунинг учун қуйидаги жиҳозлар керак:

1. 4 дона стерилланган пахта – докали тампонлар (10x10 см)
2. 5% сувли-совунли эритма (яшил совун) стерилланган тампонлар шу эритмага хўлланган бўлиши керак
3. Тампонлар учун стерилланган пинцетлар
4. Сийдик йиғиши учун, кенг бўғизли яхши ёпиладиган стерилланган идиш.



### **БЕМОРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

#### ***АЁЛЛАР:***

1. Бемор ички кийимларини ечиши керак.
2. Сўнг қўлларини совун билан тозалаб ювиб, уларни чайиб ва қуритиши керак.
3. Бемор бир қўли билан жинсий лабларни орасини очади ва сийдикни йиғиб бўлгунга қадар уларни ажратиб ушлаб туриши керак.
4. Совунда бўқтирилган тампонлардан бирини олиб ва вульвани олд томондан орқа томонга қараб бир маротаба яхшилаб артиш керак. Фойдаланилган тампонлар ташлаб юборилади.
5. Ушбу ҳолатни ўзгартирмаган ҳолда, совунда бўқтирилган бошқа икки тампон билан муолажани қайтариш керак, муолажа тугагач, тампонлар ташлаб юборилади.
6. Муолажа тугагандан сўнг, тўртинчи стерилланган тампон билан вульвани босиб қуритиши керак.
7. Тахлил учун топшириладиган сийдик ҳажми қовуқда 200-250 мл. бўлиши керак. Сийдик 50 мл., 100мл. ва 150мл.ли белгиланган ўлчовли идишга йифилади. Дастрлаб 150 мл. сийдик тўхтовсиз ажратилгандан кейин қолган сийдик стерилланган идишга тўлдирилади. Бу идишга оёқ, вульва ёки кийим тегиб турмаслиги керак.

**Эслатма:** Бармоқлар билан идиш атрофи ва ички юзасини ушламаслик керак. Бемор сийган идиш қопқоғига ўзи тегмаслиги керак. Сўнг иштирок этётган мутахассис идишнинг қопқоғини ёпади, белгилайди, флаконга рақамини ёзади ва тахлил қилиш ёки бактериологик экма учун лабораторияга (биксада) юборилади. Бактериологик экма тез амалга оширилмаса, флакондаги сийдик намунаси музлаткичга жойлаштирилади. Сийдикни ҳар қандай ҳолатда бактериологик текширув учун катта идишдан (шиша банка, тувак) порциялаб олиш ёки сийдикни уйдан олиб келиш мумкин эмас.

#### ***ЭРКАКЛАР:***

1. Бемор ички кийимларини ечиши керак.
2. Сўнг қўлларни совун билан тозалаб ювиб, уларни чайиб ва қуритиши керак.
3. Бир қўлида жинсий аъзо четидаги танасини тўлиқ тортиб, сийдикни йиғиб бўлгунга қадар шу тарзда ушлаб туриши керак.
4. Совунли тампонда жинсий аъзо учини яхшилаб артиш керак. Фойдаланилган тампонлар ташлаб юборилади.
5. Ушбу ҳолатни ўзгартирмаган ҳолда, иккинчи совунли тампон билан муолажани қайтариш керак. Муолажа тугагач, бу тампон ҳам ташлаб юборилади.
6. Учинчи стерилланган тампон билан жинсий аъзони босиб қуритиши керак.

7. Тахлил учун топшириладиган сийдик хажми қовуқда 200-250 мл. бўлиши керак. Сийдик 50 мл. 100мл. ва 150мл ли ўлчовли идишга йиғилади. 150 мл сийдик тўхтосиз чиқариб ташлангандан кейин, стерилланган идишга тўлдирилади, бу идишга оёқ, олатнинг бош қисми ёки кийим тегиб турмаслиги керак.

Идиш стерилланган қопқоқ билан ёпилади, белгиланади, флаконга рақами ёзилади ва таҳлил қилиш ёки бактериологик экиш учун лабораторияга юборилади. Бактериологик экиш ўтказилмаган тақдирда, флакондаги сийдик намунаси музлаткичга жойлаштирилади.

**Эслатма:** Сийдикни бактериологик текширувга ҳеч қачон катта идишдан (шиша банка, тувак) порциялаб олиш ёки сийдик таҳлили учун уйдан олиб келиш мумкин эмас.

Таҳлил учун керакли сийдик миқдорини йиғишни иложи бўлмаса, катетер ёрдамида олинади.

Сийдикнинг биринчи порцияси тўкиб ташланади. Қовуқ усти пункцияси йўли билан сийдик йиғиш чақалоқларда бактерия йўқлигини тасдиқлаш учун қўлланилади ва бунда сийдик пуфаги тўла бўлиши талаб этилади. Махаллий оғриқсизлантиришдан кейин игна симфиздан 1 см юқорига қараб киритилади ва шприц ёрдамида 20мл сийдик йиғилади. Сийдик синамасида микроорганизмлар аниқланиши сийдик йўллари инфекцияси борлигидан далолат беради.

### **Сийдик йўллари инфекциялари қўйидаги қўрсатилган ҳолатлар ҳамроҳлигига кузатилса текширув ўтказилиши албатта тавсия қилинади:**

- болаларда
- эркакларда
- аёлларда
- ўткир пиелонефритда
- сурункали пиелонефритда
- стерил лейкоцитурияда
- буйрак касалликларида

### **Диагностикаси**

- 1 мл сийдикда pH, лейкоцит, эритроцит ва цилиндрларни аниқлаш
- микроскопия ва даволашдан кейин сийдикни бактериологик экиш
- қоннинг биохимик таҳлили(зардобда креатинин)
- экскретор урография ва УТТ
- цистоурография
- қовуқни ультратовушли текширувдан ўтказиш
- циститнинг кечишида асорат қолдирувчи бошқа касалликлар мавжуд бўлган тақдирда, кичик тос аъзоларини текширувдан ўтказиш (йилига 3 ёки ундан кўп марта қайтарилса).
- эркакларда экскретор урографияда патологик ўзгаришлар аниқланмаса, простата бези касалликлари инкор қилинади.
- оғир даражадаги пиелонефритда, сийдик йўллари обструкциясини инкор қилиш учун буйрак УТТ си ўтказилади.
- ҳомиладорликда буйраклар УТТси ўтказилади.

### **Экспресс таҳлил**

Сийдик текшируви - чизиқли тест (максус индикатор) ёрдамида ўтказилади. Лейкоцитурияни аниқлаш учун лейкоцитар эстеразани текширувчи тестлар қўлланилади. Синама специфиллиги 94-98%, сезувчанлиги 74-96% ташкил қиласи. Бактериурия ва

гематурияни аниқловчи чизиқли тестлар ҳам мавжуд. Экспресс тест натижаси ва клиник тест орасида номутаносиблик мавжуд бўлса, қўшимча текширувлар ўтказилади.

### **Микробиология ва лаборатор ташҳислаш. Микроскопик текширув.**

Микроскоп остида сийдик чўймаси кўрилади. Лейкоцитлар кўрув майдонида саналади. Сўнгра камерада 1 мл сийдикдаги лейкоцитлар сони санаб чиқилади. Яssi эпителийнинг аниқланиши сийдик ифлосланганлигидан далолат беради.

Берилган текширувларга мувофиқ СИЙисининг келтириб чиқарувчи энг кўп этиологик омил ичак таёқчаси (*Escherichia coli*). У барча уропатогенлар ичида ўртача 75-95% ни ташкил этади, 5-10% эса-*Staphylococcus saprophyticus* ташкил этади, 5-10% камдан кам холларда эса *Proteus mirabilis* ва *Klebsella* spp. каби бошқа энтеробактериялар келтириб чиқаради. СИЙини ташҳислаш учун сийдик таҳлили ўтказилиши керак. Бунда пешобдаги бактериялар микдорини аниқлаш, лейкоцитлар микдори, эритроцитлар ва тузлар микдорини аниқлаш муҳимдир. СИЙини ташҳислашда энг ишонарли усул “Олтин стандарт” бўлиб қовуқ усти пункцияси орқали олинган пешобни бактериологик экиш ҳисобланади. Шу кунгacha СИЙини ташҳислаш учун “Олтин стандарт” дан кўра ахамиятли кўрсаткич аниқланмаган.

### **Бактериурияниң клиник ахамиятли кўрсаткичларининг умумий қабул қилинган мезонлари:**

Катталарда бактериурияниң клиник ахамиятли кўрсаткичлари.

1. Аёллардаги ўткир асоратланмаган циститда эрталабки сийдикнинг ўрта қисмдаги олинган порциясида  $>10^{-3}$  КОЕ уропатоген/мл аниқланади.

2. Аёллардаги асоратланмаган ўткир пиелонефритда эрталабки сийдикнинг ўрта қисмдаги олинган порциясида  $>10^{-4}$  КОЕ уропатоген/мл аниқланади.

3. Аёлларда ва эркакларда катетер ёрдамида олинган пешобда асоратланган СИЙида эрталабки сийдикнинг ўрта қисмдаги олинган порциясида  $>10^{-5}$  ёки аёлларда эрталабки сийдикнинг ўрта қисмдаги олинган порциясида  $>10^{-4}$  КОЕ уропатоген/мл аниқланади

**Эслатма:** 1мкл пешобда 10 тадан ва ундан ортиқ лейкоцит аниқланиши яллиғланиш жараёнини билдиради. 1 мл пешобда  $10^{-3}$  ва ундан ортиқ калониялашган бирликдаги (КОЕ) уропатогенлар аниқланиши ахамиятлиdir.

### **Микробиология ва лаборатор ташҳислаш. Сийдикни экиш.**

Сийдик йўллари инфекциясида кўзғатувчи тури ва колония ҳосил қилиш микдорини аниқлаш ахамиятли. Кўп холларда сийдик йўллари инфекцияси қўзғатучиси ичак микрофлораси: *Escherichia coli* ҳисобланади. Текширувда *Escherichia coli* эмас, балки *Klebsiella*, *Proteus*, *Staphylococcus* топилганда, сийдик йўллари органик ўзгаришлари аниқланади. Сийдик йўллари инфекцияси бактериологик тасдиқланади. 30% аёлларда ўткир бактериал циститда колония ҳосил қилувчи бирикмалар  $10^5$  мл дан паст бўлади. Шартларга асосланиб йифилган пешобни бактериологик текширув маълумотларига асосланиб бактериуря ташҳиси қўйилади.

**Эслатма:** Бактериологик текширув учун одатдаги эрталабки дастлабки сийдик ажратишнинг ўрта қисми олиниб сийдикнинг ўрта порцияси дейилади. Тестнинг спецификалиги 80%ни ташкил қиласи. Баъзи ҳолларда сийдик пуфагининг катетеризация қилиниб, ёки қовуқ усти пункция қилиниб сийдик синамасини олиш мумкин.

## **Умумий даволаш усуллари:**

Антимикроб терапия асоратланмаган сийдик йўллари инфекциясида 80-90% самарадор хисобланади.

Тавсия этилади:

- Кўп суюқликлар ичиш
- Сийдик пуфагини тўлиқ бўшатиш, айниқса уйқудан олдин ва жинсий алоқадан кейин
- Кучли оғриқда сийдикни ишқорлаштириш лозим.

Ўткир асоратланмаган циститларда антимикроб даво:

Антимикроб давони бир марта ёки тўлиқ курсда тавсия этиш мумкин. Кўп холларда тўлиқ даво курси ўтказилади.

**Даволаш:** З кунлик – қисқа антибактериал терапия (даволаниш) курси тавсия этилади. Агар бу даврда бемор тузалмаса, даволанишни давом эттириб, 7-10 кунгacha антибиотикларни тўхтовсиз қабул қилиш керак:

- фторхинолон дори воситалари гуруҳидан танланади; алтернатив дори воситалари – цефалоспоринлар 2-3 генерацияси ва аминогликозидлар (кўпинча асоратли бўлган ҳолатларда) тавсия қилинади.
- Бундан ташқари циститда оғриқни қолдириш учун аналгетиклар тавсия қилинади, шунингдек ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.
- Кунлик ичиладиган суюқлиқ миқдорини кўпайтириш лозим.
- Диурезни кучайтириш учун, фитотерапия тадбирлари муддати 1 ойдан кам бўлмаслиги керак.

Катта ёшдаги аёлларда менопаузада эстроген коррекциясига эътибор қилиш керак.

**Қуйидаги дори воситалари бир марта тавсия этилади:**

- Триметоприм, 600мг ичиш учун, ёки
- Гентамицин, 120 мг мускул орасига

**Тўлиқ даволаш курси қуйидагича:**

- Сийдик ажратиш тизимида органик ўзгаришлари бўлмаган аёлларга – 5 кун давомида (триметоприм билан даволаганда эса 3 - кун),
- Сийдик ажратиш тизимида органик ўзгариш бор аёлларга – 10 кун,
- Ўткир цистит билан оғриган эркакларга – 10 кун.

**Тавсия этилади:**

- Амоксициллин/клавуланат (танланган дори воситаси), 250/125 мг ичиш учун кунига 3 маротаба, ёки
- Триметоприм, 300 мг/кунига 3 кун давомида, ёки
- Цефалекцин, 250 мг ичишга, кунига 4 маҳал, ёки
- Нордофлоксацин, ичишга, кунига 400 мг 2 маҳал (бошқа дори воситаларига чидамлилик юқори бўлганда).

## **БОЛАЛАРДАГИ СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ**

Кичик ёшдаги болаларда сийдик йўллари инфекциялари ривожланишида кўпроқ буйраклар заарланади. Инфекция белгилари қуйидагилар билан намоён бўлади: иситма



кириши, қайт қилиш, ич кетиши кузатилади. Оғриқли сийиш билан белгиланадиган шикоятни бола З ёшга тўлгандагина тушунтириб бера олиши мумкин. Органик ўзгаришларнинг бўлиши эҳтимоли ҳам бу bemорларда юқори даражада бўлади. Масалан, цисто-уретрал рефлюкс 40%, нефросклероз 27% (ривожланган пиелонефрит касаллиги туфайли) холатларда кузатилади. Цисто-уретрал рефлюксни эрта аниқлаш, пиелонефрит рецидивларини олдини олиш ва даволаш ёрдамида нефросклероз ривожланиши, артериал гипертония, сурункали буйрак етишмовчилигини олди олинади.

## БОЛАЛАРДАГИ ЎТКИР ЦИСТИТНИ АНТЕБАКТЕРИАЛ ДАВОЛАШ

Даволаш давомийлиги 7-10 кунни ташкил қиласи.

Тавсия қилинадиган дори воситалари:

- Тrimetoprim, 6мг/кг (бир марта максимал дозаси - 300мг) ичгани суткасига 1 маҳал (суспензиянинг 1млда 10мг препарат мавжуд), ёки
- Цефалексин, 10мг/кг (бир марталик максимал дозаси - 250мг) ичгани суткасига 4 маҳал, ёки
- Амоксоциллин/claveulanat, 10/2,5мг/кг (1 марталик максимал дозаси -250/125мг) ичгани суткасига 3 маҳал.
- **Норфлоксацинни болаларда қўллаши мумкин эмас!** Чунки бу препарат суюкларнинг ўсиш зонасига салбий таъсир қиласи ва пайларнинг мўртлашишига олиб келади.

## Кузатув

Уч ҳафтадан сўнг микроскопик текширув ва сийдикни экиб текшириш тавсия этилади.

- Индикатор тест қофозчалари ёрдамида сийдик pH ёки сийдик чўқиндиси микроскопияси ёрдамида сийдикнинг назорат таҳлилини ўтказиш.
- Сийдик йўллари инфекциясининг тўғри диагностикаси учун сийдикнинг таҳлили муҳим роль ўйнайди. Таҳлилнинг аник натижаларини олиш ва асосланган даво тайинлаш учун сийдик йиғишнинг алоҳида қоидаларига риоя қилиш керак.



## АЁЛЛАРДА АСОРАТЛАНМАГАН СИЙДИК ЙЎЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ

Беморларда сийдик ажратиш аъзоларининг анатомик ва физиологик ўзгаришлари кузатилмаганда, сийдик ажралишининг бузилмаган ва сийдик чиқариш йўлларининг меърий тузилиши ўзгармаган, ҳамда bemорда, оғир асоратларга сабаб бўлувчи жиддий ҳамроҳ касалликлар бўлмаган холатларда асоратланмаган сийдик йўли инфекциялари (СИИ) ҳақида фикр юритилади. Асоратланмаган СИИга ўткир ва рецидивланувчи цистит, ўткир пиелонефрит киради.

## ҲОМИЛАДОР БЎЛМАГАН АЁЛЛАРДА ЎТКИР АСОРАТЛАНМАГАН ЦИСТИТ

### Диагностикаси

Асоратланмаган цистит қуидаги клиник белгиларга асосан қўйилади: дизурия, тез-тез сийиш, қов соҳасида оғриқ, сийдик ажралишига ёлғон чақиравлар, полиурия, баъзи ҳолатларда эса аёлларда, асоратланмаган циститда ҳам гематурия кузатилади. Бундай ҳолатларда жинсий йўл орқали юқувчи касалликларни (ЖЙОЮК) инкор этиш учун тест ва вагинал текширув ўтказилади. Аёлларда юзага келган ўткир дизурия Chlamidia trachomatis, Neisseria gonorrhoeae ёки оддий герпес чақирган циститни ёки Candida spp., Trichomonas vaginalis чақирган вагинитни инкор этишни талаб этади. Агар ЖЙОЮК тасдиқланса бактериурия инкор этилади.

**Агар аёлларда қин ажралмалари ва қичишиш ҳам кузатилса, қўшимча текширувлар тавсия этилади ва ЖЙОЮК инкор этилади.**

Кўплаб кузатувларга асосан, СЙИда икки ва ундан ортиқ симптомлар бўлса бактериурия хавфи 90%гача ортади. Агар дизурия ва тез-тез сийиш бўлса, эмпирик антибиотикотерапия ўтказилади. Аёлларда ўткир цистит бирламчи кўринишда бўлса, беморларга сийдикни бактериологик экиш ва антибиотикларга сезгиригини аниқлаш мақсадга мувофиқ эмас. ҚВП/ОП шароитларида сийдикни умумий анализи ва микроскопик ( $>10$  лейкоцит/куб.мм) текширувдан ўтказиш қулай усул ҳисобланади. Бактериурия кўрсаткичининг эрталабки сийдикнинг ўрта қисмдаги олинган порциясида  $>10^3$  КОЕ уропатоген/мл бўлиши аёлларда асоратланмаган ўткир цистит ташҳисини тахминлаш имконини беради.

*Аёлларда ўткир цистит бирламчи кўринишда бўлса, сийдикни бактериологик экиш ва антибиотикларга сезгиригини аниқлаш тавсия этилмайди.*

## Даволаш

Асоратланмаган СЙИда антибактериал терапияни рационал ва ўз вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида касаллик симптомлари эртароқ регрессиясини ва юқори сийдик йўллари структураси заарланишининг олдини олишни таъминлайди.

Асоратланмаган СЙИда 3-5 кунлик антибактериал терапия етарли ҳисобланади:  
Триметоприм-Сульфаметаксазол -160/800мг 2 маҳал 3 кун давомида;  
-Триметоприм (TMP) – 200мг 2 маҳал 5 кун давомида; ёки  
-Нитрофурантойн – 100мг 2 маҳал кунига 5 кун давомида;  
-Алтернатив антибиотик бўлиб Ципрофлоксацин -250 мг 2 маҳал  
-Ципрофлоксацин -500 мг 1 маҳал 3 кун давомида.

Барча юқорида санаб ўтилаган препаратлар амбулатор шароитда ичиш учун тавсия этилади. Асоратланмаган СЙИда оғриқ қолдириш учун анальгетикларни кўллаш исботланмаган. Амалда соғлом аёлларда СЙИда икки ва ундан ортиқ симптомлар бўлса, эмпирик антибиотикотерапия тавсия этилади. Ҳомиладор бўлмаган аёлларда асоратланмаган ўткир циститда: Триметоприм-Сульфаметаксазол, Триметоприм (TMP), Нитрофурантойн ёки Ципрофлоксацин тавсия этилади. Ҳозирги кунда СЙИ даволашда, халқаро тиббий қўлланмага асосан биринчи қатор препарат сифатида, триметоприм ёки нитрофурантойн тавсия этилган.

## Кузатув

Даво муолажалари тугагандан сўнг ва касалликнинг клиник белгилари бўлмаган ҳолатларда сийдикни қайта текширишнинг ҳожати йўқ. Агар касалликнинг клиник белгилари мос келувчи антибактериал терапия таъсирида 3 кундан ортиқ сакланиб турса,

ёки олиб борилган даводан сўнг 2 хафта ичидаги инфекция қайталанса, сийдикни бактериал текширилиши ва қўзғатувчини антибиотикларга бўлган сезирлиги аниқланishi керак. Бундан ташқари қўзғатувчининг антибиотикларга сезирлигини ҳисобга олган ҳолда бир хафталик қайта даволаш курси ўтказилиши мақсадга мувофиқdir.

## ХОМИЛАДОР БЎЛМАГАН АЁЛЛАРДА РЕЦИДИВЛИ ЦИСТИТ

### Диагностикаси

Асоратсиз СИЙининг қайталаниши тўғридан – тўғри 90% ҳолатларда реинфекция билан боғлиқлиги кузатилади. Қайталанувчи асоратсиз СИЙ си охирги 12 ой ичидаги ўткир инфекцияни 3 ва ундан ортиқ марта қайталаниш ҳолати билан аниқланади. Биринчи маротаба цистит касаллиги билан хасталангандан кейин 27% ёш аёлларда касаллик қайталаниши аниқланган, 50% беморларда эса касалликнинг қайталаниши бир йил давомида 3 марта гача кузатилган. Аёллар организмининг анатомо-физиологик ўзига хослиги: қўшимча гинекологик касалликлар, гормонал бузилишлар, тез-тез жинсий алоқа, контрацепция воситаси характеристики, етарли кўрсатмага эга бўлмаган ҳолатларда сийдик пуфагини катетерлаш СИЙни қайталаниш хавф омиллари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари антибактериал даво асосланмаган ва норационал қўлланилганда қўзғатувчиларнинг чидамли штаммларини ҳосил бўлишига олиб келади.

Қайталангандан цистит билан оғриган мижозларни текширув усулларига қуйидагилар киради: тўлиқ йиғилган анамнез, сийдикни умумий таҳлили, сийдикни микрофлора ва антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш учун экиш, жинсий йўллар орқали юқувчи инфекцияга текшириш, сийдик ва жинсий аъзолар тизимини УТТ. Клиник симптомлари сурункали цистит касаллигига ўхшайдиган сийдик пуфаги раки ва туберкулез касаллиги билан қиёсий ташҳис ўтказилиши керак бўлиб, бу цистоскопия ёки рентгенографияга ўтказилиши учун кўрсатма ҳисобланади. Хомиладор бўлмаган аёллар цистит касаллиги билан оғриганда сийдикни микрофлора ва антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш учун экиш тавсия қилинади.

### Даволаш

Касаллик қўзғатувчиларини эрадикация (тубдан йўқотиш) ва кейинчалик назорат қилиш учун йўналтирилган фторхинолон сақловчи антибактериал даво тавсия қилинади. Тез-тез қайталанувчи СИЙ билан касалланган мижозларга профилактик даво олиб борилиши керак. Профилактик даво олиб бориш антибиотикларга бўлган талабни умумий даражасини камайтириши етарлича исботланган.

СИЙларида профилактик мақсадда антибиотиклар билан даволашнинг 5та асосий йўналиши бор. Қуйидаги фторхинолонлардан биттасини кичик ўлчовда профилактик мақсадда қабул қилиш тавсия қилинади:

Норфлоксацин 20 мг ёки

Ципрофлоксацин 125 мг- 1 маҳал ёки

Нитрофронтонин 50-100 мг ёки

Ко-тримоксазол 240 мг – кунда 1 маҳал Зой давомида.

1. Ёш аёлларда қайталанувчи СИЙси жинсий алоқа билан боғланган бўлса, ҳар бир жинсий алоқадан кейин антибиотиклардан биттасини қабул қилиш тавсия қилинади:  
Норфлоксацин 200мг,

Офлосацин 100мг,

Ципрофлоксацин 125 мг- кунда 1 маҳал.

2. СЙИ кам қайталанган мижозларда шифокорга мурожаат қилиш имконияти бўлмаса, мустақил антибиотикларни қабул қилишни тавсия қилиш мумкин. Бу СЙИни хавфсиз, самарадор ва тежамкор даволаш усули ҳисобланади.

3. Инвазив урологик муолажаларни бажариш кўрсатмасига амал қилиш ва ҳар бир муолажадан олдин антибиотиклар билан профилактика қилиш тавсия қилинади.

4. Аёлларда менопаузадан кейинги даврда профилактик мақсадда маҳаллий эстрогенларни асорат келтириб чиқарувчи хавфи юқори бўлганилиги сабабли тавсия қилинмайди.

5. Агар уретритни ЖЙОЮИ келтириб чиқарса, иккала жинсий ҳамроҳ ҳам текширилиши ва даволаниши тавсия қилинади.

➤ **Хомиладор бўлмаган аёлларда қайталанувчи СЙИни олиб борища профилактик антибактериал даво олиб бориш тавсия қилинади.**

### **Профилактика ва кузатув**

Кўзғатувчини организмдан тўлиқ чиқиб кетганлигини тасдиқлаш учун даво курси тугагандан 1-2 ҳафтадан кейин сийдикни бактериологик текшируви режалаштирилади. Бактериологик текширув микрофлорани аниқлаш ва қайталанган даврида аниқланган янги штамлари билан қиёсий ташҳислаш учун олиб борилади. Қайталанувчи СЙИ билан беморларга даводан 1-2 ҳафтадан кейин сийдикни бактериологик текшируви манфий натижа бермаса, профилактик даво олиб бориш шарт эмаслигини ҳисобга олиш керак.

СЙИ қайталанишига олиб келувчи хавф омиллари (фойдаланаётган контрацепция воситаларини алмаштириш – диафрагма ёки спермицид), гигиена қоидаларига риоя қилиш хақида маълумот бериш тавсия қилинади.

### **Сурункали цистит билан касалланган аёлларга маслаҳатлар**


- Тез-тез сийиш (айниқса, ҳар бир жинсий алоқадан сўнг), сийдик қопчасини тўла бўшалишига эришиш.
- Ҳар бир дефекациядан сўнг, чов соҳасини илиқ сув билан ювиш ёки чов соҳасини олдиндан орқага қараб нам тоза латта билан артиш.
- Касаллик қўзғалиш даврида ётоқ режимига риоя қилиш, кўп суюқлик ичиш (эрталаб 2-3 пиёла сув ичиш, сўнг ҳар 30 дақиқада 1 пиёладан суюқлик қабул қилиб туриш), оғриқ кузатилганда, аналгетиклар (масалан, парацетамол) ва сийдик рН мухитини ишқорлаштириш учун, цитротартрат натрий, ҳар 6 соатда 4 граммдан ичгани тавсия қилинади.
- Нитрофуронтоин билан бирга цитротартрат натрий қўллаш мумкин эмас.


## ХОМИЛАДОР БҮЛМАГАН АЁЛЛАРДА СИЙ ОЛИБ БОРИШ

Сийдик йўллари инфекциялари белгилари ва симптомлари

- дизурия
- полиурия
- тез-тез сийиш
- сийишга ёлғон чақирав

қовуқ соҳасида оғриқ  
бел соҳасида оғриқ  
тана ҳароратини кўтарилиши






### Ўткир асоратсиз пиелонефрит

Пиелонефрит - бир ёки икки томонлама буйракларнинг паренхимаси, косача ва жомча тизимининг инфекцион яллиғланиш касаллигидир.

**Келтириб чиқарувчи сабаблари:** Грамм-манфий бактериялар (кўп ҳолатда - *Escherichia coli*); ўткир циститни келтириб чиқарувчи барча микроорганизмлар. Сийдикни pH таъсир қилиш орқали тош (струвит ва апатит) ҳосил қилишга шароит яратувчи уреазани ишлаб чиқарувчи *Proteus* туридаги бактериялар катта аҳамиятга эгадир. *Staphylococcus* гурӯҳи инфекциялари гематоган тарқалиши ва буйраклар абцессини келтириб чиқариши мумкин.

**Клиник белгилари қўйидағилар:** касаллик ўткир бошланиши; қалтираш, юқори иситма ( $>38,5^{\circ}\text{C}$ ); бел соҳасидаги оғриқлар; ҳолсизланиш; тез сийиш; сийишдаги ачишиш; кам ҳолатларда - кўнгил айниши, қайт қилиш, диарея. Болаларда баъзан қорин соҳасидаги оғриқ кузатилиши мумкин. Клиник текширувда: мос томондаги ковурға – умуртқа бурчагидаги оғриқ аниқланади. Оғир ҳолатларда септик шок ривожланиши мумкин.



#### Диагностикаси:

- Буйрак ва сийдик чиқариш йўлини ультра товуш текширувдан (УТТ) ўтказиш.
- 1 мл сийдикда pH, лейкоцит, эритроцит, нитрит ва цилиндрларни аниқлаш.
- Сийдикнинг бактериологик экиш, баъзан қонни бактериологик экиш.
- Кенг қамровли ва в/и урографияси (УТТ маълумотига кўра, буйрак ва сийдик чиқариш йўллари кенгайганида амалга оширилади).
- *Лаборатор текширувлар натижасига кўра қон таҳлилида таёқчасимон силжисиши билан лейкоцитоз, пиурия; сийдикда лейкоцитар цилиндрлар, гематурия, озроқ протеинурия кузатилади. Пиелонефрит учун фақат цилиндурия, бактеремия, белдаги оғриқ спецификдир.*

- УТТ доплерография билан бирга сийдик йүллари обструкцияси ва сийдик тош касаллигини инкор қилиши учунгина ўтказилади. Пиелонефритни аниқлашда КТ ни УТТ нисбатан самарадорлиги исботланган.
- Аёлларда қуидаги симптомлар билан: белдаги оғриқ (буйрак соҳасида), күнгил айниши ва қайт қилиши, иситма ( $>38^{\circ}\text{C}$  тана ҳарорати) кузатилса сийдикни бактериологик экиши тавсия қилинади.
- Белдаги оғриқ, күнгил айниши ва қайт қилиши, иситма ( $>38^{\circ}\text{C}$  тана ҳарорати) ва сийдикнинг ўрта порциясида бактериурия  $>10^4$  КОЭ уропатоген/мл кузатилса ўткир асоратланмаган пиелонефритни тахмин қилиши мумкин.

#### **Даволаш:**

Антибиотикларни танлашда уларни сийдикда ва буйрак паренхимасида етарлича концентрациясин таъминлаш аҳамиятлидир. Даволашда уродинамикани меъёрлашуви ва касаллик асоратларини олдини олиш асосий ҳисобланади.

#### **A. Госпитализация қуидаги ҳолатларда тавсия қилинади:**

- чақалоқлар, болалар ва ҳомиладорларга;
- сепсис, юқори иситма, дегидратация;
- касаллик ўткир бошланишида

Охирги йилларда ҳомиладорларда пиелонефритни енгил турини амбулатор даволаш мумкинлиги исботланган (лекин кўп ҳолларда бунга амал қилинмай стационар даволанади). Сийдикнинг бактериал экиш натижалари чиққунга қадар эмперик цефалоспоринлар III авлоди билан в/и (гентамицин билан биргаликда) даволаш мумкин; фторхинолонларни ичиш ёки в/и юбориш тавсия қилинади; гентамицин ампицилин билан; ампициillin/сульбактам билан. Гентамицин ва фторхинолонлар ҳомиладорларга мумкин эмас. Самарадорлигига қараб в/и  $\geq 48\text{-}72$  с; кейин 2-6 ҳафта ичишга тавсия қилинади, оғриқ, истима, күнгил айниши ҳам даволанади. Сув баланси ва етарли диурезни ушлаш учун в/и ёки ичишга етарли суюқлик юборилади.

**Б. Пиелонефритнинг енгил ва ўрта оғир даражаларида амбулатор даволаш,** триметоприм/сульфаметоксазолон, фторхинолонлар (масалан ципрофлоксацин суткада 500–750 мг 2 маҳал ичишга 7 кун давомида, левофлокцалин 250–500 мгдан 1 маҳал суткасига ичишга 7 кун давомида) билан, алътернатив препарат цефподоксин 200 мг 2 маҳал кунига 10 кун давомида.

**В. Пиелонефритни оғир асоратсиз турлари шифохонада даволанади.** Бунда фторхинолонлар ёки цефалоспоринларнинг 3 чи авлоди (цефотаксим, цефтриаксон) билан даволанади: ципрофлоксацин 400 мг 2 маҳал суткасига ичишга 7 кун давомида, левофлоксацин 250–500 мгдан 1 маҳал суткасига ичишга 7 кун давомида. Цефтриаксон 1–2 гр кунига 1 маҳал ёки Амоксиклав 1,5мг кунига 4 маҳал.

Фторхинолонлар билан даволаш дори воситасини уларни в/и ёки ичиш орқали қабул қилинганда ҳам қон зардобида бир хиллиги билан қулайдир. Шунингдек 1 г. цефтриаксонни в/и ёки м/o, в/и ва ичишга бериш ҳам самарадор ҳисобланади. Кейинги суткада назоратли текширув ўтказилади ва бемор ҳолати госпитализация талаб қилмаса, лекин антибиотикни ичишга бериш талаб қилинса дори воситасини қўшимча иккинчи

дозаси берилади. Антибиотик билан даволаш давомида 24 соат ичидаги беморнинг ҳолатида ўзгариш сезилмаса шифохонада даволаш тавсия қилинади.

**Г. Бемор ҳолати яхшиланиши.** 72 соат давомида рационал антибактериал терапия натижасида кузатилмаса, нефролитиаз ва сийдик йўллари обструкциясини инкор қилиш лозим. Келтириб чиқарувчи микроорганизмнинг сезирлиги аниқланган антибиотик самарасизлиги аниқланганда буйрак абцесси инкор қилинади; КТ ўтказиш тавсия қилинади. Баъзи ҳолларда 2 ҳафталик даво камлик қилиб касаллик рецидиви кузатилади; бундай ҳолатларда 6 ҳафталик антибиотикли даво тавсия қилинади.


**Д. Кейинги кузатув.** Ўткир пиелонефрит ўтказган bemorлар орасида рецидив ёки бошқа клиник кўринишлар намоён бўлган тақдирда экскретор урография ва мицион цистоурография ўтказиш тавсия қилинади. Хомиладорлар ва болаларда 1-2 ҳафталик даводан кейин, клиник белгилар сақланганда ёки иммунодепрессантлар билан терапия режалаштирилганда, сийдикни экиш тавсия қилинади, бошқа ҳолатларда эса, сийдикни экиш мажбурий эмас.

Агар 72 соат ичидаги изжобий ўзгариш бўлмаса ёки bemor ахволи ёмонлашса, уни касалхонага урология бўлимига жойлаштириш керак. Асосий даволаниш курси тугаганидан сўнг ёки стационарда даволаниб чиққандан сўнг, амбулатор даволаниши давом эттириш шарт. Аёлларда 3 кун давомида клиник изжобий ўзгаришлар бўлмаса ёки 2 ҳафта давомида касаллик қайталанса, антибактериал сезувчанликни аниқлаш учун сийдик экмаси қайта ўтказилади. Буйрак ультратовушли сканер қилинади. Бемор уролог ва гинекологнинг чуқурлаштирилган текширувидан ўтказилиши керак бўлади.

Сийдик чиқариш йўлларида аномалия кузатилмаса ҳам, даволашни самарали бўлиши учун касаллик қўзғатувчисини антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш керак.

#### Хомиладор аёлларда сийдик чиқариш йўллари инфекцияси диагностикаси алгоритми


ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИНГ АНАМНЕЗ ВА ШИКОЯТЛАРИНИ ТЎПЛАШ





**Анамнез үзүүлүшдөө:** сийдик таносил аязолари касаллуклари, илгари сийдик чиқариш йүли инфекцияси билан оғриган ва бошқа касаллукларга чалинган, экстрагенитал касаллуклари, хомиладорлик даврида ич қотиш ва инфекция ўчоғи мавжудлыгига эътибор берилади.

## Хомиладор аёлларда сийдик чиқариш йүллари инфекциясини классификацияси



<b>Хомиладор аёлларда сийдик чиқариш йүллари инфекциясини даволаи алгоритми</b>	
<b>СИМПТОМСИЗ БАКТЕРИЯ</b>	
<b>Амбулаторияда даволаш (поликлиника ёки аёллар консультацияси шароитида):</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-антибиотиклар (сезувчанлик ва хафсизликни (FDA критерияси) ҳамда хомиладорлик муддатини инобатга олган ҳолда –per os, мушак остига 7 кун</li> <li>-фитопрепаратлар (канефрон Н)<sup>*</sup> антибиотикларга кўшимча равиша ва антибиотиклар даволашда бекор қилингандан сўнг 10 кун давомида</li> <li>-кўп суюқлик ичиш (2-3 л. суюқликдан ошмаслиги керак)</li> </ul>
<b>ҮТКИР ЦИСТИТИС</b>	
<b>Амбулаторияда даволаш</b>  <b>(Оиласвий поликлиника шароитида):</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-препаратларни танлаш –пенициллин қаторидаги антибиотиклар, цефалосфоринлар per os, 3-7 кун</li> <li>-фитопрепаратлар (канефрон Н)<sup>*</sup> антибиотикларга кўшимча равиша ва антибиотиклар даволашда бекор қилингандан сўнг 10 кун давомида</li> <li>-кўп суюқлик ичиш</li> </ul>

## ЎТКИР ПИЕОНЕФРИТ

-Клиник самарага эришгунча венага антибиотик юбориш (одатда 48-72 соатдан сўнг таъсир этади) ва клиник самарадан сўнг яна 48 соат, 14 кун давомида перорал антибиотиклар қабул қилишга ўтиш.

-фитопрепаратлар (канефрон Н)<sup>\*</sup> антибиотикларга қўшимча равиша ва антибиотиклар даволашда бекор қилингандан сўнг 10 кун давомида

-кўп суюқлик ичиш

-кейинчалик ҳар 2 хафтада сийдик тахлилини назорат қилиш, кўп суюқлик ичиш, тизза-тирсак ҳолатини қабул қилиш зарур (кунига 10 дакикадан 5-6 маҳал)

манъба: ҳомиладорлик ва туғишини интеграл равиишида олиб бориш (ИВБР), БССТ 2002й


Канефрон Н препаратининг тавсия этилган дозаси


-томчилаб: кунига 3 марта 50 томчидан

-дражеда: кунига 3 марта 2 та дражедан

## СТАЦИОНАРДА ДАВОЛАШ

## ҲОМИЛАДОРЛАРДА СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯСИНИ ОЛИБ БОРИШ





## СИМПТОМСИЗ БАКТЕРИУРИЯ

Симптомсиз бактериурия ёш ўтиши билан тарқалиши ортиб боради: ёш қизларда 1%, ёш аёлларда 20% ва 80 ёшли аёлларда ундан ортиқ учраши исботланган бўлиб қандли диабети бор ёки уретрал катетер қўйилган шунингдек жинсий фаол аёлларда бу кўрсаткич янада ортади.

**Аёлларда СЙИнинг клиник симптомлари кузатилмаганида ва сийдикнинг 2 та таҳлилида ҳам микроорганизм титри  $10^5$  КОЭ/мл аниқланганда симптомсиз бактериурия ташхис қилинади.**

1. Симптомсиз бактериурияни даволаш СЙИ ривожланиши ёки қайта ривожланишига таъсир қилмайди.
2. Репродуктив ёшдаги аёлларда симптомсиз бактериурияни аниқлаш учун текширув ўтказиш ва уни антибиотик билан даволаш тавсия қилинмайди.
3. Янги туғилган чақалоқларда ва мактабгача ёшда бўлган болаларда цисто-уретрал рефлюкс бор-йўқлигини аниқлаш учун текширилгандан сўнг антибактериал даво ўтказилади.
4. 60 ёшдан кичик эркакларда сурункали простатитни инкор қилиш зарур ва антебактериал даволаш чоралари ўтказилади.
5. Касалланган аёллар учун бир маротаба антебактериал дори препарати берилади, касалликнинг сурункали шаклидагина текширув ўтказилади.
6. Ҳомиладор аёлларда пиелонефрит ривожланиш хавфи юқори (40%) бўлганлиги учун, антебактериал даволашни узок муддатга (6 ойгача) белгилаш талаб этилади.
7. Мактаб ёшидаги болалар ва 60 ёшдан юқори қарияларда сийдик йўлларида органик ўзгаришлар кузатилмаганда антибактериал даволаш тайиланмайди.

8. Профилактик антебактериал даволаш күйидаги ҳолларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир: хомиладорлиқда, сийдик йўлларида органик ўзгаришлар қайд этилганида, сийдик йўллари ва жинсий аъзолардаги инструментал текширувлар ва операцияларда, сийдик қопчасини қайта катетеризация қилишларда.

## АСОРАТЛИ СИЙ

### Диагностикаси

Беморларда күйидагилардан биронтаси учраганда СИЙ асоратли деб қўрилади:

1. Сийдик йўлларини анатомик бузилишлари: буйракларнинг, буйрак жомчаларини, сийдик найларини, сийдик пуфагини ривожланиш туғма аномалиялари; буйрак поликистози, сийдик найлари структураси, сийдик тош касаллиги.
2. Сийдик тизимини функционал бузилишлари: нейроген сийдик пуфаги, пулак-сийдик найи ва сийдик найи-жомча рефлюкси.
3. Оғир ҳамроҳ касалликлар: қандли диабет, гипертония касаллиги ёки юрак етишмовчилиги, буйрак етишмовчилиги.
4. Урологик текширувлар ва давонинг инструментал услублари (сийдик пуфаги катетеризацияси, доимий катетер мавжудлиги).
5. Сийдик йўлларини травмаси ва механик заарланиши.

Асоратли СИЙ ҳар доим ҳам клиник симптомлар (дизурия, тезлашган сийиш, белдаги оғриқ, истима) билан кечиши мумкин бўлиб, бу симптомларни бўлиши тахминий ташхис қўйишга асос бўлади. Асоратли СИЙ да ташхис қўйиш учун маҳсус текширув услублари ва мутахассис маслаҳати талаб қилинади.

### Асоратли СИЙни даволаш

Касаллик оғирлик даражасига боғлиқ бўлиб, терапия микробларни тубдан йўқотиш ва ҳамроҳ касалликларни ва урологик бузилишларни даволаш (масалан сийдик тошларини олиш)га йўналтирилгандир. Асоратли СИЙларида мутахассис консультациясини ва стационар даволашни талаб қиласади.

Даволашда фторхинолинлар ишлатиш тавсия қилинади: ципрофлоксацин суткада 250-500 мг 7 кун давомида; ёки Ко-амоксилав суткада 500 мг 2 маҳал 14 кун давомида ёки суткада 250 мг 3 маҳал. Фторхинолинлар кенг фаоллик спектирига эга бўлиб, асосан буйраклар орқали чиқиб кетади, сийдик ва буйрак паренхимасида юқори концентрацияга эга бўлади. Даволаш курси 7 -14 кунни, баъзи аниқ клиник ҳолатларда 21 кунни ташкил қиласади.

### Кузатиш

Антибиотиклар билан биринчи марта ва қайта даволангандан сўнг доим сийдикни бактериологик экиб, антибиотикларга микроорганизмларни сезувчанлиги аниқлаб борилади.

Даволашнинг асосий мақсадларидан бири, ҳамроҳ урологик бузилишларни ҳам аниқлаб, даволаб бориш ҳисобланади.

## ЭРКАКЛАРДА СИЙ

**Ўткир асоратсиз СИЙ** асосан 15-50 ёшдаги эркакларда ривожланади.



Эркаклардаги анатомик ёки функционал бузилишлар, ёки инструментал текширувлар билан боғлиқ СИЙ лари асоратли деб қўрилади. Эркакларда СИЙлари кўп ҳолларда сийдик тош

касалылары, сурункалы простатитлар ва бошқа касаллылар асосида ривожланади, параууретрал безлар аденоомаси билан сийдик чиқиши қийинлашуви сабабли ёши катта эркакларда касаллик тарқалиши сони ортади. Дизурия ва СИИ симптомлари аниқланганда простатит ёки ЖЙЮИ инкор қилинади ва специфик диагностик тест ўтказилади.

## ЭРКАКЛАРДА СИИ ОЛИБ БОРИШ

### Эркакларда СИИнинг симптомлари ва белгилари:

- Дизурия
- Императив (ёлғон) сийишга чақиришлар
- Тез-тез сийиш
- Полиурия
- Чов усти соҳасида оғриқ




### Қуидагилар билан қиёсий ташхис ўтказилади:

- Простатит
- Хламидиоз
- Эпидидимит



СИИ симптомлари бор эркакларга сийдик экмаси ўтказилади




Агарда антибиотиклар билан даволаш самараcиз бўлса ёки рецидив кузатилса




Уролог кўрувига юбориш лозим

Анамнезида тана хароратини кўтарилиши ёки бел соҳасида оғриқ кузатилса



Ха

Йўқ



Беморни пиелонефритга ёки бошқа асоратга текшириш



Антибиотиклар билан даволаш: 7 кун асоратсиз СИИ (цистит) даволаш Тrimetoprim ёки нитрофурантойн

Простатит симптомлари кузатилса эмпирик равишда хинолонинлар билан даволаш

**КАТТА ЁШДАГИЛАРДА СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИ КЕЧИШИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Катта ёшдагиларда сийдик йўллари инфекциялари кўпроқ кам ҳаракатланувчи ва иммунитети пасайган беморларда кўпроқ кузатилади, ахлат ва сийдик тутолмаслик ҳолатларида ушбу касалликлар ривожланаш эҳтимоли ортади. Инфекция белгилари турлича бўлиши мумкин, масалан, ўткир пиелонефрит фақатгина иситма кириши ва руҳий ўзгаришлар билан намоён бўлади.

Простата безини аденомасини инкор қилиш учун эркаклар УТТ текширувидан ўтказилиши керак.

Асоратсиз инфекцияларни олдинда берилган стандартлар асосида хос даволаш керак, лекин бунда қарияларда кўплаб учровчи ҳамроҳ сурункали касалликлари ва буйрак чиқариш фаолиятини ҳисобга олган ҳолда дори воситалари комбинацияси ва дозаси белигиланади. Симптомсиз бактериурияда даво олиб борилмайди.

ЎзР ССВ томонидан тасдиқланган “Урологик касалликларни даволаш ва диагностиканинг нозологик стандартлари” бўйича, шифокор текшириш режасини беморнинг шикояти, анамнез, текширув натижаларига кўра аниқлайди. Шифокор зарур бўлган тақдирда дифференциал диагностика мақсади қўшимча тадқиқот усулларини белгилайди. “Нозологик стандартлар” да сийдик йўли инфекциясида (СИИ) қўйидаги ҳолатлар келтирилган: “Сурункали пиелонефрит” ташхиси қўйилишига эҳтиёткорлик ва масъуллик билан ёндошиш керак. Лейкоцитурияга асосан ва ультратовуш текширувлар хulosасига кўра “Сурункали пиелонефрит” ташхиси қўйиш мумкин эмас. Лейкоцитурия, бактериурия мавжудлигига ва рентгенологик ёки радиоизотопларда текширув натижасида буйрак буришгани ва функциясининг пасайиши тасдиқланган тақдирда, “Сурункали пиелонефрит” ташхиси қўйиш мумкин.

## АНТИБАКТЕРИАЛ ДАВОЛАШНИ ТАНЛАШ АЛГОРИТМИ

**(ЎзР ССВ Назологик стандартлардан, 2008)**  
**Урологияда (IDSA/ESCMID) тавсия қилинган микробга қарши терапия**

Ташхис	Тез-тез учрайдиган қўзгатувчи	Бошлангич, тажерибага асосланган микробга қарши терапия	Даволанинг муддати
Ўткир асоратсиз цистит	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Escherichia coli</i></li> <li>➢ <i>Klebsiella</i></li> <li>➢ <i>Proteus</i></li> <li>➢ <i>Staphylococcus</i></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Фторхинолонлар</i></li> <li>➢ Альтернатив дори воситалари:</li> <ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Фосфомицин- трометрамо</i></li> <li>➢ <i>Пивмециллинам</i></li> <li>➢ <i>Нитрофуранлар</i></li> </ul> </ul>	1-3 кун
Ўткир асоратсиз пиелонефрит	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Escherichia coli</i></li> <li>➢ <i>Klebsiella</i></li> <li>➢ <i>Proteus</i></li> <li>➢ <i>Бошқалар</i></li> <li>➢ <i>Enterobacteria</i></li> <li>➢ <i>Stsphylococcus</i></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Фторхинолонлар</i></li> <li>➢ Цефалоспоринлар (2-3-чи авлод)</li> <li>➢ Альтернатив дори воситалари:</li> <ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Аминопенициллинлар</i></li> <li>➢ <i>Ингидиторлар β- лактамаз</i></li> <li>➢ <i>Аминогликозидлар</i></li> </ul> </ul>	7-10 кун
Простатитлар: Ўткир Сурункали	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Escherichia coli</i></li> <li>➢ <i>Бошқалар</i></li> <li>➢ <i>Enterobacteria</i></li> <li>➢ <i>Pseudomonas</i></li> <li>➢ <i>Enterococcus</i></li> <li>➢ <i>Staphylococcus</i></li> <li>➢ <i>Chlamidia</i></li> <li>➢ <i>Ureaplasma</i></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Фторхинолонлар Альтернатив дори воситалари ўткир бактериал простатитда</i></li> <li>➢ <i>Цефалоспоринлар 2-чи авлод</i></li> <li>➢ <i>Цефалоспоринлар 3- чи авлод</i></li> <li>➢ <i>Хламидий ёки уреаплазмали этиологиялар:</i></li> <ul style="list-style-type: none"> <li>➢ <i>Доксициклин</i></li> <li>➢ <i>Макролидлар</i></li> </ul> </ul>	<p>Ўткир Кечиши: 2 хафта</p> <p>сурункали кечиишида: 4-6 хафта ёки ундан ортиқ</p>


## УАШ ЛАР УЧУН АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР

1. Тартибсиз жинсий ҳаёт билан шуғулланувчи аёллар сийдик йўллари инфекцияси-кўпроқ ўткир цистит билан оғрийди. Бу ҳолатда сийдик йўлларида органик ўзгаришлар кузатилмайди.
2. Асосан касалликни клиник кўриниши, экспресс таҳлилда бактериурияни мусбат натижаси ва микроскопияда лейкоцитурия аниқланишига асосланиб ташхис қўйилган бўлса тезлик билан даво олиб бориш керак.
3. Аёлларда ўткир асоратсиз циститни даволашда триметропримни 300 мгдан ичишга 3 сутка давомида берилади.
4. Агар сийдик йўлларида органик ўзгаришлар бўлиш эҳтимоли кам бўлса, қўшимча текширувлар ўтказиш шарт эмас.
5. Кўп ҳолларда учрайдиган сурункали простатит зрқакларда сурункали сийдик йўллари инфекциясини сабаби ҳисобланади.
6. Сийдик йўллари инфекциясида микрогематурия кўп учрайди.
7. Агар беморда гематурия ўтиб кетмаса, қўшимча текширув усууллари ўтказилиши керак.
8. *Escherichia coli* ни амоксациллинга бўлган сезувчанлиги пасайган ҳолатларда, аввал қўзғатувчини антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаб кейин антибиотикотерапия тавсия қилиш керак.

### **БЕМОРЛАРГА ТАВСИЯЛАР:**

1. СИЙ билан касалланган беморлар касаллик ўткир даврида сут маҳсулотлари ва бўтқаларни кўпроқ истеъмол қилишлари лозим. Гўшт ва балиқни қайнатилган ҳолда истеъмол қилинади. СИЙ билан касалланган беморларнинг кунлик рационидан куйидаги маҳсулотлари истеъмоли чекланади: зираворлар, пиёз, саримсоқпиёз, хрен, турп. Шовул кислотаси антимикроб таъсирга эга бўлиб, СИЙ даволашда кенг қўлланилади. Қуритилган наъматақ, мойчечакдан тайёрланган дамламалар пиурия ва бактериурия белгиларини камайтириши, уларнинг сийдик йўллари шиллиқ қаватига *Escherichia coli* адгезиясига қаршилик қилиши билан боғлиқдир.
2. Ортиқча газ ҳосил қилувчи ва қоринни дам қилувчи маҳсулотлар истеъмоли чекланади - карам, дуккаклилар ва б. Касаллик қўзғалиш даврининг биринчи куниданоқ кўп суюқлик - 2л. (қарши кўрсатма бўлмаса) ва ундан ортиқ ичиш тавсия қилинади. Шунингдек, кўк чой ёки енгил лимонли қора чой, нордон ширин енгил мева сабзавотлар шарбати, баҳчалилар (тарвуз, қовун, ошқавоқ) димланган олма, сабзи, қизилча ва гулли карамлар пюреси, наъматақ, ўрмон резавор мевалари (клюква, брусника) дамламалари тавсия қилинади, чунки улар таркибida бензой кислотаси бўлиб, антимикроб хусусиятга эгадир. Туз миқдори **5-8 г/суткасига** камайтирилади. Агар беморда ҳамроҳ гипертония касаллиги бўлса кунлик туз миқдори **4г/суткада** ва ундан ҳам кам даражага туширилади.
3. Касаллик қўзғалиши давридан ташқари вақтда балиқ, гўшт ва қўзиқоринли шўрвалар, зираворлар, шавел кислотасига бой маҳсулотлар енгил чегараланади. Суюқлик суткалик миқдори 1,5-2 л/с дан кам бўлмаслиги керак (сийдик йўлларини ювиш ва ортиқча сийдикни концентрлашувини олдини олиш учун). Меъёрдаги Абда парҳезда туз миқдори чегараланмайди ва кун давомида 12-15граммни ташкил

қилиши мүмкін. Шунингдек, беморлар спиртли ичимликлар истеъмол қилишни ҳам чегаралашлари ва совуқдан ҳимояланишлари лозим. Беморлар ҳаёт тарзи сифатини кескин ўзгартирган ҳолда, касалликни қайталаниши олдини олишлари керак бўлади.



### Таклиф этилган классификация бўйича шифокорлар қандай қилиб ташхисни ифодалашлари мүмкін?

Бир қатор клиник ҳолатларни ўрганамиз ва ташхисни таърифлашга ҳаракат қиласиз:  
**1-мисол.** Ёш аёлда биринчи бор қуидаги симптомлар пайдо бўлди: тез-тез оғриқли сийиш. Шифокор қабулига келганда, тана ҳарорати нормал бўлиб, сийдик таҳлилида лейкоцитлар миқдори 4000/мл дан ортиқ аниқланди. Илгари цистит ва пиелонефрит хасталигига чалинмаган.

*Ташхис: Асоратсиз пастки сийдик йўллари инфекциялари. Ўтқир цистит.*

**2-мисол.** УАШ қабулига келган ўрта ёшли аёлнинг шикоятлари: тез-тез ва оғриқли сийиш, охирги пайтда ушбу белгиларни учинчи маротаба қайталаниши. Шифокорга мурожаат қилгунга қадар ўзича антибиотиклар қабул қилган, лекин самараси бўлмаган. Сийдик таҳлилида пиурия (лейкоцитлар миқдори 4000/мл дан) аниқланди. УТТ: қовуқ полипи. Сизнинг ташхисингиз?

*Ташхис: Қовуқ полипи. Асоратли пастки сийдик йўллари инфекциялари. Рецидивли цистит.*

**3-мисол.** 56 ёшдаги бемор УАШ қабулига бел соҳасида оғриқка шикоят қилиб келди. Бемор буйракларида тош борлиги сабабли диспансер назоратида туради. Дизурия камаймаган. Сийдикнинг умумий таҳлили ўтказилганда 1 мл.да лейкоцитлар миқдори патологик кўрсаткичдалиги аниқланди.

*Асосий ташхис: Икки томонлама буйрак тоши касаллиги. Буйрак тоши. Асоратли персистирловчи сийдик йўли инфекцияси. Пиелонефрит.*

**4-мисол.** 46 ёшдаги бемор аёл. Шикоятлари, анамнез ва лаборатор текширувлар натижасида ўтқир цистит ташхиси қўйилди. Амбулатор шароитда антибиотикотерапия билан даволаш ўтказилгандан 72 соат ўтгандан сўнг, 1 мл.сийдик чўқмасида лейкоцитлар миқдори деярли камаймаган, бактериурия сақланган.

*Ташхис: Асоратли сийдик йўли инфекцияси. Бартараф қилинмаган бактериурия.*

### САВОЛЛАРИНГИЗГА МУТАХАССИС ЖАВОБ БЕРАДИ

Буйракларни бекорга инсон танаси филтри деб атамайдилар. Қонда керак бўлмаган моддалар алмашинуви маҳсулотлари – чиқинди (шлаклар)нинг чиқиб кетиш жараёни

уларнинг тартибли ва самарали ишлашларига боғлиқ. Аммо, турли салбий омилларнинг таъсири натижасида танамизни чиқинди (шлак)лардан тозаловчи тартибли биожарёни ишдан чиқади. Буйраклар ва сийдик чиқариш йўлларидаги инфекция, туз, тошлар, турли аномалиялар бу бузилишларнинг сабаби бўлиши мумкин. Келинг бир ўйлаб кўрайлик-чи, биз ўз танамизга ёрдам бера оламизми? Саволларга Андижон Давлат тиббиёт институти УАШ малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кафедраси доценти, оила шифокори Ҳайдаржон Ҳамроқулов жавоб беради

### **1. Цистит касаллиги ўзи нима?**

- ўткир цистит – сийдик пуфаги яллиғланиш касаллигидир. Цистит оғриқли ва тез-тез сийиш билан кузатилади, сийдикдан ёқимсиз ҳид келади. Касаллик кўп холларда совуқотиш ва гигиена қоидаларига риоя қиласлик натижасида келиб чиқиши мумкин, айниқса ёш болаларда таглик (памперс)ни нотўғри ва алмаштирилган узоқ ишлатиш натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

### **2.Касаллик қандай белгилар билан намоён бўлади?**

- bemorlarda kasallik belgilari oғriқli sийиш, tez-tez sийиш, sийdik tuta olmaslik, sийishdan sўng bўshanmaslik, қanoatlanmaslik ҳисси, қовуқ соҳасида оғриқ, sийdik rangi қizariishi (hematuriya), sийdikdan noxush ҳid keliishi bilan kuzatiliishi mumkin.

### **3.Шифокорга қачон мурожаат қилиш мумкин?**

- kasallik belgilari (simptomlari) rivojlanganiida albatta oila shifokoriga murojat қiliш kasallikni aniqlash va tuyғri davolash учун шифокор белгилаган tekshiriшlarни ўtkaziш lозим. Aйниқса bemor kasallikka engil қараб, ўзича самарасиз turli даволашларни ўtkazib kasallik asoratlaniшига olib kelmаслиги kerak.

### **4. Сийдик йўллари инфекцияларида аниқ ташҳис қўйилишида сийдик таҳлили ўтказиш шартми, кўп ҳолларда bemorlar sийdik sinamalariini yidan olib keliشади. Бу қанчалик тўғри?**

Сийдик олиш алоҳида маҳсус жойларда олинади, алоҳида тайёрланган сийиш хонасида (хожатхона эмас) мутахассис иштирокида амалга оширилади. Бунинг учун қуйидаги жиҳозлар керак бўлади:

- 4 дона стерилланган пахта – докали тампонлар (10x10 см);
- 5% сувли-совунли эритма (яшил совун) стерилланган тампонлар шу эритмага xўllangan бўлиши керак;
- тампонлар учун стерилланган пинцетлар;
- сийдик йиғиш учун, кенг бўғизли яхши ёпиладиган стерилланган идиш.

### **5. Сийдик йўллари инфекциялари билан касалланган bemorlararga қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?**

- сийдик қопчасини тўла бўшалишига эришиш учун тез-тез сийиш тавсия этилади;
- ҳар бир жинсий алоқадан сўнг сийдик қопчасини тўла бўшалишига эришиш учун тез-тез сийиш тавсия этилади;

- хар бир ҳожатга боришдан сүнг (дефекациядан сүнг), чов соҳасини илиқ сув билан ювиш ёки чов соҳасини олдиндан орқага қараб нам тоза латта билан артиш;
- касаллик қўзғалиш даврида ётоқ режимига риоя қилиш, кўп суюқлик ичиш (эрталаб 2-3 пиёла сув ичиш, сүнг хар 30 дақиқада 1 пиёладан суюқлик қабул қилиб туриш), оғриқ кузатилганда, аналгетиклар (масалан, парацетамол) ва сийдик pH мухитини ишқорлаштириш учун, цитротартрат натрий, хар 6 соатда 4 граммдан ичгани тавсия қилинади;
- нитрофуронтоин билан бирга цитротартрат натрий қўллаш мумкин эмас.

## **6. Сийдик йўллари инфекциялари билан касалланган bemorlar кунлиқ овқатланиш рациони қандай бўлиши керак?**

- bemorlar қўйидаги маҳсулотларни ейишлари мумкин эмас: узоқ қайнаган гўшт билан тўйинган шўрвалар (бульонлар), шоколад, қаҳва, какао, аччиқ ва қовурилган таомлар;
- овқат рационида қайнатилган ва димланган таомлар, сабзавот мевалар, кўкатлар миқдорини кўпайтириш лозим;
- таомнинг умумий миқдори, ёғли овқатлар, ош тузи камайтирилади;
- кўп сув ичиш, суткасига 1,5 литрдан кам эмас. Ёз ойлари чанқоқ хисси қолмаслиги учун сув ичиш керак;
- шифобахш (фитотерапия) дамламаларидан кенг фойдаланиш мумкин. Ичак фаолиятини мъёрда ишлаши ҳам назорат қилиб борилади.

## **7.Хаёт тарзи бўйича bemorlar қандай кун тартибига риоя қилишилари зарур?**

- харакатчан ҳаёт тарзи ( сайрлар, эрталабки гимнастика, енгил жисмоний меҳнат) зарур;
- овқатланиш меъёрига риоя қилиш, ортиқча вазндан халос бўлишга ҳаракат қилиш керак;
- буйрак, қовуқ, шунингдек оёқларнинг керагидан ортиқ совуқ қотишидан сақланиш керак;
- тиш ва бодомча безлари ҳолатини кузатиб бориш керак, касаллик ҳолати, яъни касаллик ўчғи бўлса, вақтида даволаш талаб этилади;
- йилда 2 марта оила шифокорида профилактик кўрувдан ўтиб туришлари керак.

**Тестларга тўғри жавоблар:** 1. а, б, в, г. 2. а, б. 3. а, б, в, г. 4. в, д. 5. в, г, 6. а, в. 7. а. 8. б. 9. а, в, г. 10. а, б.

**Кроссворд жавоблари.** 1. Пиелонефрит 2. Гломерулонефрит 3. Цистит 4. Нитрофурантоин  
5. Цилиндрурия 6. Макрогематурия 7. Пиурия 8. Ҳомиладор.

**Тузувчиilar:** Қосимов Ш.З., Шадманов А.К., Назарова Г.У., Фузайлов Ф.З.,  
Бойкузиева М.Б., Юнусова З.В.

<b>Таъсисчи:</b> Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси 2011йил январдан ҳар чоракда чиқа бошлади.	Хурматли ўқувчи сиз бизнинг журналга обуна бўлишингиз мумкин. Обуна индекси: <ul style="list-style-type: none"> <li>■ 917–индивидуал обуначилар учун</li> <li>■ 918–муассаса ва ташкилотлар учун</li> </ul>	Нашрга берилди – Ўлчами. Ҳажми Адади – 920 «DM NASHR SERVIS» МЧЖ Босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри. Шота Руставели кўчаси 91 уй.
---	--	--